

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

«Тасдиқлайман»
Иқтисодиёт ва бошқарув
факултети декани, доцент
_____ А.У.Астанов
«_____» _____ 2012 йил

5340900- «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналиши бўйича

Битирув малакавий иши

Мавзу: «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар
ҳисоби ва уни такомиллаштириш»
(Ургут тумани фермер хўжаликлари мисолида)

Бажарувчи: «Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит» бўлими, IV босқич талабаси

Усмонов Ойбек

Илмий раҳбар: доцент

А.И.Аликулов

Иш кафедрада муҳокама
қилиниб, №__ баённома билан
химояга рухсат этилди.

Кафедра мудири, и.ф.н.
доцент _____ М.Холмурзаев
«_____» _____ 2012 йил

Самарқанд – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....
1-боб.Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи.....
2-боб.Қишлоқ хўжалигида ресурслар салоҳияти ва улардан фойдаланиш имкониятлари.....
2.1.Ер-сув ресурслари ва улардан фойдаланиш.....
2.2.Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.....
2.3.Моддий ресурслар ва улардан фойдаланиш.....
3-боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисоби.....
3.1. Асосий воситаларнинг иқтисодий моҳияти, туркумланиши, баҳолаш ва ҳисобнинг вазифалари
3.2. Асосий воситалар келишининг ҳисоби
3.3. Асосий воситалар эскириши (амортизацияси)нинг ҳисоби...
3.4. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва тугатишнинг ҳисоби
4-боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш.....
5-боб.Қишлоқ хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш.....
Хулоса ва таклифлар.....
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш

Иқтисодий эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида мамлакатимиз иқтисодий бартарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий муаносиблигини таъминлаб, мамлакатимизнинг ички имкониятлари асосида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини бермоқда.

Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта курулантириш тадбирларининг кенг миқёсда амалга оширилиши натижасида барча соҳаларда юқори ўсишга эришилди. Жумладан, «...юртимизда 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди. 2010 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошди»¹.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. "Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодийнинг изчил ва бартарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади"².

¹ Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

² Каримов И .А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиётива халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2010 йил.

2010 йилда Самарқанд вилоятида 99200 гектарда пахта етиштирилиб, ҳар гектардан ўртача 24 центнердан, жами 243160 тонна пахта хом ашёси олинди, белгиланган давлат буюртмаси 102,3 фоизга бажарилди. Ҳар гектардан ўртача 24,5 центнердан пахта хом ашёси олинди. 2010 йилда 159,6 минг гектар майдонда ғалла етиштирилиб, ҳар гектардан ўртача 40,6 центнердан, жами 647,8 минг тонна сара дон олинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Шунга кўра, ҳозирда модернизация жараёнининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш билан бирга, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини пасайтириш, сотишдан олинаётган фойда миқдорини кўпайтиришда, ишлаб чиқариш фаолиятини мўътадил юргизиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун асосий воситалар билан таъминланган ва улардан самарали фойдаланган бўлиши қишлоқ хўжалик корхоналари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши маҳсулот таннархини пасайтириш, олинаётган фойда миқдорини кўпайтириш билан бирга, қишлоқ хўжалик корхоналарини иқтисодиётини мустаҳкамлашга, меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Қишлоқ хўжалигини замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш имконияти ва сифати деҳқонларни қониқтирадиган даражада бўлиши керак».

Ушбу муаммолар мавжудлиги, уларни қишлоқ хўжалик корхоналари мисолида ҳал этиш йўллари кўриб чиқиш мақсадида битирув малакавий иши мавзуси танланди. Битирув малакавий ишининг объекти Ургут тумани фермер хўжаликлари, жумладан «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер

хўжалиги бўлиб, мақсадга эришиш учун уни олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

1. Хўжаликнинг асосий воситалар билан таъминланиш даражасини ўрганиш ва баҳолаш;

2. Асосий воситалардан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва унинг ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаб баҳо бериш;

3. Асосий воситалар билан таъминланишни яхшилаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш.

4. Асосий воситалар ва улардан фойдаланиш даражасининг ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсирини ўрганиш ва баҳо бериш.

Ушбу вазифаларни ҳал этишда илмий-тадқиқот ишларини бажаришда қўлланиладиган кузатиш, гуруҳлаш, таҳлил қилиш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишини бажариш давомида фермер хўжалигининг асосий воситалар билан таъминланиш даражаси, самарадорлик кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш усуллари кўриб чиқилиб, аниқ материаллар асосида асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар берилди.

1-боб. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Шунга кўра, ҳозирда модернизация жараёнининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асосий воситаларнинг ўрни катта бўлиб, уларнинг таҳлили иқтисодий адабиётларда кенг ёритилиб, самарадорликни ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги, жумладан, фермер хўжаликларида асосий воситалар билан таъминланиш даражасини ошириш, асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар, меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларнинг битирув малакавий ишини бажаришда фойдаланилганларини кўриб чиқамиз.

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрирда). Фермер хўжалиги тўғрисида. 2004 йил 26 август.

Ушбу Қонун 6 бўлим, 36 моддадан иборат. Фермер хўжалигини ташкил этиш ҳамда тугатиш тартиби билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳужжати билан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг мақсади фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг 3-моддасида «Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир» деб таъриф берилган. Шунингдек қонунда фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари (5-модда), фермер хўжалигини ташкил этиш тартиби (6-модда), фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш (7-модда), фермер хўжалигининг устави (8-модда), фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш тартиби (11-модда), қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)

аъзолари томонидан фермер хўжалигини ташкил этиш хусусиятлари (12-модда), ердан фойдаланиш (13-модда), ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ (14-модда), сувдан фойдаланиш (15-модда), фермер хўжалигининг ҳуқуқлари (16-модда), фермер хўжалигининг мажбуриятлари (17-модда), фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари (20-модда), фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти (22-модда), маҳсулотни фермер хўжалиги томонидан реализация қилиш тартиби (24-модда), фермер хўжалигини кредитлаш ва суғурталаш (26-модда), фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш (29-модда), фермер хўжалигини тугатиш асослари (32-модда) кабилар алоҳида моддаларда белгилаб берилган.

2.Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 5-сон “Асосий воситалар”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 09.10.2003 й. 114-сон буйруғи билан тасдиқланган, АВ томонидан 20.01.2004 й. 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Мазкур Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади. Мазкур стандартнинг мақсади мулк, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқлари асосида хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган асосий воситалар ҳисоби услубиятини белгилаш ҳисобланади.

Ушбу стандарт 10 параграфдан иборат бўлиб, унда асосий воситаларнинг келиб тушиши, асосий воситаларни баҳолаш, асосий воситаларга ўтказиладиган капитал қўйилмалар, асосий воситаларни қайта баҳолаш, амортизацияни ҳисоблаш, асосий воситаларни таъмирлаш, асосий воситаларнинг чиқиб кетиши, асосий воситаларни инвентарлаш, ахборотни очиқ бериш каби тушунчалар кенг ёритилган.

Асосий воситаларни ҳисобга олишда уларни актив сифатида тан олинган пайтини белгилаш, мазкур активларга нисбатан қўлланиладиган

уларнинг баланс қийматини ва амортизацияни ҳисоблаш усулларини белгилаш, шунингдек асосий воситаларнинг баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни ва уларнинг чиқиб кетиши ҳисобига молиявий натижаларни белгилаш ва ҳисобга олиш асосий қоидалар ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Маҳсулот (ишлар хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. 05.02.1999. №54. (ВМ қарори таҳрири, 17.02.2010, №22).

Мазкур Низом хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди. Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ солинадиган даромад (фойда) хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқланади.

Ушбу низомни қабул қилиниши корхоналар даромадлари ва харажатларини аниқ белгиланган гуруҳларга ажратиб ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижани шакллантириш тартибини белгилаб берди. Жумладан, харажатларни қайсилари маҳсулот таннархига киритилади, қайсилари давр харажатларига олиб борилади. Бу маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари ушбу низомда молиявий натижаларни беш кўрсаткичи белгиланган бўлиб, уларнинг ҳар бирини таърифи ва аниқлашни ҳисоб – китоби берилиб, бу халқаро андозаларга мос келади.

4.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси ВМнинг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи. 2011 йил 22 январ. №16 (5183).

Мамлакатда танланган иқтисодий ривожлантиришнинг ўз модели ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, чуқур ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимида салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги ҳамда 2010 йил якунларига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,1 фоизга, чакана товар айланмаси 14,7 фоизга, пуллик хизматлар 13,4 фоизга кўпайгани, Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан ижро этилганлиги қайд этиб ўтилган. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалла харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторига таркибий сифат ўзгаришлари юз бераётгани, мамлакатимизни 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг етти устувор вазифаси белгиланиб, 2011 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги ўсиш - 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида - 105,8 фоиз ҳажмида бўлиши, инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилаётгани қайд этилган.

Умуман олганда, мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида 2010 йилдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг якунлари, йил якунларини

олдинги йиллар билан таққослаб, таҳлил қилиб, 2011 йилдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб берган.

5.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади.

Ушбу асарда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузалари ёритилган. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилган.

Шунингдек асарда модернизация жараёнининг назарий ва методологик асослари кенг ёритилган. Жумладан, Президентимиз модернизация атамасига

қуйидагича таъриф берганлар: «Модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён». Умуман олганда, модернизация анъанавий жамиятдан индустриаллашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарама-қарши ўлароқ «замонавий очиқ тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи индустриаллаштириш, секуляриштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Бундан кўринадики, модернизация жуда кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда уни жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

6.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

Биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига

таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикамиздаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Асарда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

2) таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

б) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб этилишини тақозо этади.

7.Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик. -Тошкент: 2005.

Ушбу дарслик 4-бўлим, 33-бобдан иборат бўлиб, дарсликнинг биринчи бўлими қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг умумий масалалари, иккинчи бўлими қишлоқ хўжалиги ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш, учинчи бўлими қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги ва тўртинчи бўлими ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқлари самарадорлигини ошириш имкониятларига бағишланади.

Дарсликнинг 11-бобида қишлоқ хўжалик моддий-техника ресурслари ва улардан фойдаланишга бағишланган бўлиб, бу бобда асосий воситалар, мулк шакллари, классификацияси, баҳоси ва такрор ишлаб чиқариш, асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланиш кўрсаткичлари, уларнинг ҳаракати, сифат ҳолати ва фойдаланишнинг самарадорлиги, асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги омиллари кенг ёритилган. Ушбу дарсликда қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ҳозирги босқичида мавжуд ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини оширишда моддий-техника базасини кенгайтириш қайта

ташкил қилиш ва реконструкция қилиш бирламчи аҳамиятга эгаллиги тўғрисида сўз юритилган.

8. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Дарслик. –Т.: Истиқлол, 2004.

Мазкур дарсликда қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатларининг долзарб масалалари, турли хил мулк шаклидаги корхоналарнинг ташкилий – хўжалик асослари, хусусан фермер хўжаликларининг янги концепцияси асосида шакллантириш ва ривожлантириш ишлаб чиқаришда ташкил этишда ижара муносабатлари ва оила (жамоа) пудратининг ўрни, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими, хўжалик юритиш механизмларини ташкиллаштириш хўжалик юритиш тизими ва чорвачилик тармоқларида ташкилий иқтисодий асослари, бизнес режалаштиришни такомиллаштириш ва шунга ўхшаш долзарб муоммаларни ўрганишнинг назарий ва амалий асослари акс эттирилган.

Дарсликнинг биринчи бўлими қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий асосларига бағишланиб, бўлимнинг 7-боби ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишга бағишланиб, бу бобда ишлаб чиқариш воситалари тўғрисида тушунча ва уларни туркумлаш, асосий ишлаб чиқариш воситаларининг амортизацияси, корхоналарнинг машина ва ускуналарга бўлган талабани ҳисоблаш, айланма воситаларни туркумлаш ва меъёрлаш масалалари кенг ёритилган.

9. Қудратов Т.Қ. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили. Ўқув қўлланма. -Самарқанд, 2008.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни янада самарали ривожлантириш учун уларнинг фаолиятини барча томонларида содир бўлган ва бўлаётган жараёнлар ва уларнинг натижаларини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш натижасида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича йўл-йўриқларни кўрсатиш зарур. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ниҳоятда каттадир.

Ушбу қўлланма 13-бобдан иборат бўлиб, унинг 7-боби қишлоқ хўжалигининг моддий ресурслар билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш кўрсаткичларининг таҳлилига бағишланади. Бу бобда моддий ресурслар билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш таҳлилининг аҳамияти, мақсади, вазифалари, улардан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби аниқ мисоллар билан ёритилган. Бундан ташқари ушбу бобда моддий ресурслар билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш кўрсаткичларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсирини таҳлил қилиш усуллари ва йўллари батафсил баён қилинган.

Умуман олганимизда, ушбу ўқув қўлланмада қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятини қамраб олувчи барча кўрсаткичларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва таҳлил асосида тегишли хулоса ва таклифлар бериш тўла ёритилган бўлиб, булардан битирув иши ёзишда кенг фойдаланилди.

10. Алиқулов А, Эшмурадов У. ва бошқалар. Фермер хўжаликлариди бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Самарқанд 2009.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва унинг кейинги босқичларида устувор йўналишларнинг белгиланиши, айниқса ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жумладан иқтисодиётни эркинлаштириш, мулкдорлар синфини ташкил қилишдан келиб чиққан ҳолда бир қанча соҳаларни, жумладан бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам ислоҳ қилишни тақозо этади. Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, ушбу қўлланма бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш борасида қўйилган бир қадамдир.

Қўлланма 16-мавзу ҳамда 22 та иловадан иборат бўлиб, унинг 9-мавзуси фермер хўжаликлариди асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобига бағишланган. Ушбу мавзуда асосий воситаларнинг иқтисодий моҳияти, туркумланиши, баҳолаш ва ҳисобнинг вазифалари, асосий воситаларнинг келиши, эскириши, ҳисобдан чиқарилиши ва кенг баён қилинган. Қўлланманинг яна бир эътиборни жалб қиладиган томони шундаки, унинг илова қисмида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун,

«Янги счётлар режаси» ҳамда «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи тўлиқ ёритилганидир.

11.Холмирзаев И. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010, №2, 26 б.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йилларидаги тармоқ ривожланиши ҳолати қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари баҳолари ўртасидаги номуносиблик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда харажатларнинг ортиб бориши, ресурслар самарадорлигининг пастлиги ва бошқалар билан изоҳланади.

Муаллиф қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муқобил йўли – барқарор қишлоқ хўжалик стратегиясидир. Бу стратегия иқтисодий, экологик, ижтимоий ва технологик барқарорликни ўзида мужассамлаштириши зарур, деб таъкидлайди. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши қуйидаги бешта омил бажарилишини талаб қилади: ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш; фермер хўжалиklarини иқтисодий барқарорлигини таъминлаш; аҳолининг турмуш даражасини кўтариш; табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш; атроф-муҳитнинг тоза бўлиши ва мувозанатни сақлаб туриш. Фермер хўжалиklarининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун уларни барқарор ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

12.Долиев Т. Модернизация қишлоқ хўжалиги тараққиётида муҳим омилдир. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2011, №4. 1 б.

Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги кейинги йиларда тобора янгиланиб, такомиллашиб, ишлаб чиқариш катта суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу борада Юртбошимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича белгилаб берилган муҳим вазифалар тўхталиб, жумладан чигитни ресурстежамкор, замонавий, юқори унумли 8 қаторли сеялкаларда екиш кенг жорий етилса, меҳнат унумдорлиги ортади.

Бунда техникаларнинг пайкалдаги ўтишлар сони 2 баробар, ёнилғи сарфи 25-30 фоизгача, чигит сарфи 50 фоизгача камаяди.

13.Эргашев А. Фермер хўжаликларидан ресурслардан самарали фойдаланиш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2009, №7, 26 б.

Қишлоқ хўжалигида моддий ресурслардан самарали фойдаланиш доимо энг долзарб масалалардан бири ҳисобланиб келган. Бугунги кунда иқтисодий ислохотлар жараёнининг кўлами кенгаётган, иқтисодиётнинг барча соҳаларида эркинлаштириш ва модернизациялаштириш тадбирлари махсус дастурлар асосида амалга оширилаётган бир вақтда бу масала янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Муаллиф фермер хўжаликларидан ресурслардан самарали фойдаланиш учун моддий сарф-харажатлар мониторингини юритиш лозимлиги тўғрисида фикр юритиб, унинг асосий мақсади сифатида фермер хўжаликлари томонидан контракция шартномаларини тўлиқ бажариш, фермер хўжаликлари товар-моддий ресурслар етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар, тегишли тижорат банкларининг иқтисодий самарадорлигига эришиш, фермер хўжаликлари билан мол етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, моддий техника ресурсларидан, ажратилаётган кредит ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, ўзаро қарздорликларни кескин қисқартириш чораларини кўришдан иборатдир. Бунинг натижасида фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати янада мустаҳкамланиб, иқтисодий барқарор фаолият юритишини таъминлаш имконияти яратилади.

2-боб. Қишлоқ хўжалигида ресурслар салоҳияти ва улардан фойдаланиш имкониятлари.

2.1. Ер-сув ресурслари ва улардан фойдаланиш.

Ер умум миллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси ҳалқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади³.

Ўзбекистон Республикасининг умумий ер фонди 44410,3 минг гектарни ташкил этиб, шундан 21453,2 минг га қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, 220,4 минг га аҳоли пунктларининг ерлари, 1995,8 минг га саноат, транспорт, алоқ, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, 75,9 минг га табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, 1,1 минг га тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, 9462,3 минг га ўрмон фонди ерлари, 821,1 минг га сув фонди ерлари ва 10380,5 минг га заҳира ерлари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 21453,2 минг га ернинг 4217,7 минг гектари суғориладиган ерлардир.

Қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ер ва сувдан фойдаланиш даражаси ошган сайин маҳсулот ҳажми кўпайиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, натижада иқтисодиёт мустаҳкамланиб боради. Шунинг учун ҳам ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини узлуксиз равишда таҳлил қилиш зарур. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ҳамда сувдан оқилона самарали фойдаланиш - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали мамлакатда озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда ниҳоятда катта рол ўйнайди. Ушбу иқтисодий жараённи Ургут тумани фермер хўжаликлари, жумладан «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида яроқли бўлган ер ресурсларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш

³ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 1-модда.

асосида улардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш учун мавжуд бўлган имкониятларни аниқлаб, таклифлар беришдан иборатдир.

Самарқанд вилояти Ургут тумани 1926 йилда ташкил топган бўлиб, вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик туманларидан биридир. Туман маркази Жума шаҳри бўлиб, вилоят марказидан 25 км узоқликда жойлашган бўлиб, автомобил йўллари билан боғланган. Туман ҳудуди 1,47 минг квадрат километр. Туман вилоятнинг Каттакўрғон, Нуробод, Самарқанд, Оқдарё туманлари билан чегарадош. Туман фермер хўжаликлари ер ресурсларининг ҳозирги ҳолатини ўрганганимизда қуйидагича бўлган (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, Ургут туманида 2010 йил 1 октябр ҳолатига жами 941 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш» 2010 йил 6 октябрдаги ПФ-3512-сонли Фармониға мувофиқ мақбуллаштириш натижасида 871 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ушбу ташкил этилган 871 та фермер хўжалигининг 525 таси ёки 60,3 фоизини пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларидир. Пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлариға 2011 йил 1 январ ҳолатига 49028 га ер майдони ажратилган бўлиб, ўртача ҳар бир фермер хўжаликка 93,4 гектарни ташкил этган. Бу 2010 йилға нисбатан 29 гектарға кўпдир.

1-жадвал

Ургут туман фермер хўжаликларининг ер майдони ҳолати тўғрисида маълумот*⁴

Т/р.	Йўналиши	2010 йил 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликлар сони			Мақбуллаштириш натijasида			Фарқи, (+,-)		
		Жами фермер хўжаликлар сони	Жами қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган майдон, га	Ўртача бир фермер хўжаликлар майдони, га	Жами фермер хўжаликлар сони	Жами қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган майдон, га	Ўртача бир фермер хўжаликлар майдони, га	Жами фермер хўжаликлар сони	Жами майдони, га	Ўртача бир фермер хўжаликлар майдони, га
1.	Пахтачилик-ғаллачилик	554	49028	88,5	525	49028	93,4	-29	0	4,9
2.	Боғдорчилик-узумчилик	285	1594	5,6	245	1594	6,5	-40	0	0,9
3.	Чорвачилик	78	2146,7	27,5	77	2146,7	27,9	-1	0	0,4
4.	Бошқалар	24	501	20,9	24	501	20,9	0	0	0
	Жами:	941	53270	56,4	871	53270	64,4	-70	0	8

*

⁴ Манба: Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси 2010 йил маълумотлари.

Тадқиқотимиз объекти бўлган Ургут тумани фермер хўжаликлари, жумладан, «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалиги бўйича ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ҳам ўрганилди.

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ер ва сувдан фойдаланиш даражаси ошган сайин маҳсулот ҳажми кўпайиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, оқибатда иқтисодиёт мустаҳкамланиб боради. Шунинг учун ҳам ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини узлуксиз равишда ўрганиш зарур.

Қишлоқ хўжалик ерларидан ва сувдан самарали фойдаланиш хўжалик иқтисодиётини, оқибатда миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ҳамда сувдан оқилона самарали фойдаланиш - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали мамлакатда озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда ниҳоятда катта рол ўйнайди. Ушбу иқтисодий жараённи Ургут тумани «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида яроқли бўлган ер ва сувдан фойдаланиш аҳволини ўрганиш асосида улардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш учун мавжуд бўлган имкониятларни аниқлаб, таклифлар беришдан иборатдир.

Самарқанд вилояти Ургут туманидаги «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалиги туманнинг пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан биридир. Фермер хўжалик туманнинг шарқий-жанубий томонида, М.Улуғбек МТП ҳудудида «Янги қишлоқ» қишлоғида жойлашган. «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалиги туман марказидан 15 км, вилоят марказидан 42 км узоқликда жойлашган.

Хўжаликнинг табиий шароити ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қулай бўлиб, ёз кунлари энг иссиқ кунлари $+40^{\circ}\text{C}$ + 42°C иссиқ бўлиб, совуқ кунлари эса қиш ойларида -12°C – 14°C совуқни ташкил этади. Хўжаликнинг тупроқ шароити деҳқончилик қилинадиган ерларнинг асосий

қисми бўз тупроқ ҳисобланиб, ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилинса, экилган экиндан юқори ҳосил олиш мумкин.

Фермер хўжалигининг ер майдони динамикасининг кейинги йиллардаги ҳолатини кўрганимизда у қуйидагича бўлган (2–жадвал)

2–жадвал

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигининг ер майдони динамикаси*

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2010 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариши, + ; -
Жами ер майдони, га	71	88	17
Экин майдони, га	67	83	16
Шундан: ҳайдаладиган ерлар	67	83	16
Кўп йиллик кўчатзорлар	4	4	0
Суғориладиган ерлар	67	83	16
Сув ҳавзалари	1	1	0

Манба:*Ургут тумани «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалиги 2009-2010 йиллар ҳисоботи маълумотлари.

2-жадвалда кўришиб турибдики, фермер хўжалик ер майдонининг асосий қисмини 83 гектарини ёки 94,3 фоизни ҳайдаладиган экин майдони ташкил этади. Хўжаликнинг экин майдони 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 16 гектарга кўпайган. Бу кўпайиш «Фермер хўжаликларини оптималлаштириш тўғрисида»ги 2010 йил 6 октябрдаги фармойишига асосан М.Улуғбек МТП ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонларини кўшилиши ҳисобига бўлган. Фермер хўжалик экин майдонларини суғориш учун сувни асосан Дарғом каналдан олади.

Ургут тумани фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари динамикасини ўрганганимизда қуйидагича бўлган (3-жадвал).

Ургут тумани фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари динамикаси⁵

Экинларнинг турлари	2009 йил			2010 йил			2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)		
	Экин майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи ҳосил, т	Экин майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи ҳосил, т	Экин майдони ҳисобига	Ҳосилдорлик ҳисобига	Ялпи ҳосил бўйича
Пахта	20140	21,4	43099,6	20140	22,9	46120,6	0	1,5	3021
Ғалла	19330	52,9	102255,7	19920	53,1	105775,2	590	0,2	3519,5
Сабзавот	1713	255,2	43717	1025	352,6	36153	-688	97,4	-7564
Картошка	10	317,5	317	62	265,6	1647	52	-51,9	1330
Полиз	75	165	1240	31	158	488	-44	-7	-752
Мева	1242	108,2	13441	1242	55,7	6920	0	-52,5	-6521
Узум	1073	112,5	12071	1073	93	9980	0	-19,5	-2091

⁵ Манба: Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси 2009-2010 йил маълумотлари.

3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ургут тумани фермер хўжаликларида 2010 йилда 2009 йилга нисбатан пахтадан 3021 тонна (ҳосилдорликнинг 1,5 центнерга ошиши ҳисобига), ғалладан 3519,5 тонна (экин майдонининг 590 гектарга кўпайиши ҳисобига), картошкадан 1330 тонна (экин майдонининг 52 гектарга кўпайиши ҳисобига) ортиқ ҳосил олинган бўлиб, лекин бошқа экинлардан кам ҳосил олинган. Жумладан, сабзавот етиштиришдан 7564 тонна (экин майдонининг 688 гектарга камайиши ҳисобига), полиз маҳсулотлари етиштиришдан 752 тонна (экин майдонининг 44 гектарга камайиши ҳисобига), мева етиштиришдан 6521 тонна (ҳосилдорликнинг 52,5 центнерга камайиши ҳисобига) ҳамда узумдан 2091 тонна (ҳосилдорликнинг 19,5 центнерга камайиши ҳисобига) кам ҳосил олинган.

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида экинларнинг динамикасини ўрганимизда қуйидагича бўлган (4-жадвал)

4-жадвал

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида экинлар динамикаси*

Экинларнинг турлари	2009 йил			2010 йил			2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)		
	Экин майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи ҳосил, т	Экин майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи ҳосил, т	Экин майдони ҳисобига	Ҳосилдорлик ҳисобига	Ялпи ҳосил бўйича
Пахта	35	33	1155	43	28	1204	8	-5	49
Буғдой	32	53	1696	40	43	1720	8	-10	24

Манба:*Ургут тумани «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалиги 2009-2010 йиллар ҳисоботи маълумотлари.

4-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан фермер хўжаликда пахта етиштиришдан 49 центнер, ғалладан 24

центнер кўп ҳосил олишга эришилган. Бу ўзгариш фермер хўжаликда мавжуд экин майдонларининг кўпайиши ва улардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларидан бири бўлган экинлар ҳосилдорлигининг камайиши ҳисобига бўлган ва у қуйидаги 5–жадвалда берилган.

5–жадвал

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжаликда пахта ва ғалла ҳосилдорлиги, ц/га*

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилда ҳосилдорлик ўзгариши, (+;-)	
					2008	2009
1.	Пахта	36,7	33	28	-8,7	-5
2.	Буғдой	51	53	43	-8	-10

Манба:*Ургут тумани «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалиги 2008-2009-2010 йиллар ҳисоботи маълумотлари.

5–жадвалдан кўриниб турибдики, 2010 йилда пахта ва ғалла ҳосилдорлиги 2008 ва 2009 йилларга нисбатан камайган. Жумладан, 2010 йилда пахта ҳосилдорлиги 28 центнерни, ғалла ҳосилдорлиги 43 центнерни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан пахта бўйича 8,7, ғалла бўйича 8 центнерга, 2009 йилга нисбатан эса пахтада 5 центнерга, ғаллада 10 центнер камайган. Фермер хўжаликда ҳосилдорликни ошириш имкониятлари бўлиб, ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, юқори ҳосилли, иқлим шароитларига мос пахта ва буғдой навларини экиш ҳамда илмий-тадқиқот ишлари янгиликлари ва илғор фермер хўжаликлар натижаларига асосланиб, ҳосилдорликнинг кўпайишига сабабчи бўлувчи асосий омилларни аниқлаш ва таъсир қилиш даражасини ўрганиш зарур.

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида етиштириладиган маҳсулот турларини кўрадиган бўлсак, уларнинг турлари кейинги йилларда ошиб бормоқда. Айниқса фермер хўжаликда пилла етиштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Хўжаликнинг 2010 йилда маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган даромади қуйидагича бўлган (6-жадвал).

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олган даромади таркиби*

Маҳсулот (иш, хизмат) тури	Сотишдан олинган тушум, минг сўм	Салмоғи, %
Пахта	62656,2	60,1
Бугдой	38416,2	36,8
Пилла	3240	3,1
Жами:	104312,4	100

Манба:*Ургут тумани «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалиги 2010 йил ҳисоботи маълумотлари.

6-жадвалдан кўришиб турибдики, фермер хўжаликда 2010 йилда маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан 104312,4 минг сўм даромад олинган бўлиб, унинг 60,1 фоизи ёки 62626,2 минг сўми пахта хом ашёсини сотишдан, 36,8 фоизи ёки 38416,2 минг сўми дон сотишдан, 3,1 фоизи ёки 3240 минг сўми пилла сотишдан олинган. Шунинг учун фермер хўжалиги пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган бўлиб, олинадиган ҳосил ушбу тармоқларда кейинги йилларда кўпайиб бормоқда. «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш билан бир қаторда сабзавотчилик маҳсулотлари етиштиришни, ғалладан бўшаган ерларга такрорий экинларни экиш, шунингдек чорвачилик тармоғини ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2.2.Мехнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишда, хўжаликнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва айниқса улардан самарали фойдаланиш катта рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам меҳнат ресурслари ва улар билан боғлиқ бўлган жараёнлар натижаларини статистик ўрганиш ва хулосалар чиқариш энг асосий вазибалардан биридир.

Меҳнат ресурслари деганда, қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли, билим ва малакага, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қобилиятига эга бўлган инсонлар тушунилади. Меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш жараёнини ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир. Бошқача айтганда, меҳнат ресурслари иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий омиллардандир. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳолати ва ҳаракатини, хўжаликнинг улар билан таъминланиш даражасини ҳамда улардан хўжаликнинг фойдаланиш аҳволини ўрганиш ва мавжуд имкониятларни аниқлашда ва илмий асосланган хулосалар чиқаришда катта рол ўйнайди. Меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси меъёр атрофида бўлса, албатта ишлаб чиқаришга ижобий таъсир қилади, айниқса меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарали бўлса, ишлаб чиқариш кўламининг ўсишига, меҳнат унумдорлигининг ошиши сабабчи бўлади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ўртача 1 ишловчининг бир йилда ишлаган кунлари сони, ўртача 1 ишловчининг бир йилда ишлаган соатлари сони, иш кунининг ўртача давомийлиги ва иш вақти фонди кўрсаткичлари орқали ифодаланади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг энг асосий кўрсаткичи бўлиб меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги ошган сайин ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ошиб боради. Меҳнат унумдорлиги деганда аниқ вақт бирлиги ичида (1 киши-соат, 1 киши-кун) етиштирилган маҳсулот миқдори ёки бажарилган иш ҳажми тушунилади.

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида 2010 йилда жами ишловчилар сони 28 киши бўлиб, шундан 18 киши ёки 64,2 фоизини бевосита пахтачиликда банд бўлган ишловчилар, 6 киши ёки 21,4 фоизини ғаллачиликда банд бўлган ишловчилар ташкил қилади. Ходимларга 2010 йилда тўланган меҳнат ҳақини ўрганганимизда, у қуйидагича бўлган (7–жадвал).

7–жадвал

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида ходимлар сони ва меҳнат ҳақи тўғрисида маълумот*

№	Кўрсаткичлар	Ходимларнинг ўртача йиллик сони, киши	Меҳнат ҳақи фонди, минг сўм	Бир ходимга тўғри келадиган ўртача меҳнат ҳақи	
				Йиллик, минг сўм	Ойлик, сўм
1.	Ўсимликчилик тармоғида банд бўлган ишловчилар	24	16335,4	680,6	56720
	шундан, пахтачиликда	18	8389,4	466,1	38840
	ғаллачиликда	6	3273,4	545,6	45465
2.	Хизматчилар	4	2771	692,6	57720
	Жами:	28	30769,2	2384,9	198745

Манба: *Ургут тумани «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалиги 2010 йил ҳисоботи маълумотлари.

7–жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, фермер хўжаликда ишловчиларга 2010 йилда 30769,2 минг сўм меҳнат ҳақи сарфланиб, пахтачиликда меҳнат қилаётганларга ўртача ойлик меҳнат ҳақи 38840 сўмни, ғаллачиликда эса 45465 сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич тумандаги бошқа илғор фермер хўжаликлариغا нисбатан анча пастдир. Бунинг учун фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини янада ошириш, ходимларни моддий рағбатлантиришни жорий этиш ва кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар қуриш мақсадга мувофиқдир.

2.3.Моддий ресурслар ва улардан фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг муҳим омилларидан бўлиб, моддий ресурслар билан таъминланиши ҳисобланади. Ҳар қандай қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқариш фаолиятини барқарор бўлиши ва унинг самарадорлигини ошириш учун моддий ресурслар билан етарли даражада таъминланган ва улардан самарали фойдаланган бўлиши керак.

Моддий ресурслар деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган уруғ, ўғит, ёқилғи, ем-хашак ва бошқа турдаги хом ашё ва материаллар қийматларининг йиғиндиси тушунилади. Барча турдаги яроқли ва сифатли моддий ресурслар билан хўжалик етарли даражада (меъёр чегарасида) таъминланса ва улардан самарали фойдаланса, албатта маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир қилади, натижада моддий неъматлар етиштириш кўпаяди, сифати яхшиланади, соф фойдаси кўпайиб, иқтисоди мустаҳкамланади, оқибатда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ҳамда халқнинг турмуш даражасининг ўсишига сабабчи бўлади. Шу нуқтаи назардан фермер хўжаликнинг моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш даражасини узлуксиз равишда таҳлил қилиб туриш ва улар асосида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир.

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида 2011 йил 1 январ ҳолатига 164580 минг сўмлик асосий восита бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йил 1 январ ҳолатига эса 157790 минг сўмни ташкил этган. 2010 йил давомида асосий воситалар 2700 минг сўмга кўпайган. Бу кўпайиш фермер хўжалиги идорасига 2700 минг сўмлик мебел ва офис жиҳозлари ҳамда 5590 минг сўмлик машина ва ускуналар сотиб олиниши ҳисобига бўлган.

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида мавжуд асосий воситаларнинг 2011 йил 1 январ ҳолатига кўриб чиққанимизда, улар куйидагича бўлган (8–жадвал).

**Ургут тумани «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигининг
асосий воситалари таркиби***

Номланиши	2008 йил		2009 йил		2010 йил	
	Қиймати, минг сўм	Салмоғи, %	Қиймати, минг сўм	Салмоғи, %	Қиймати, минг сўм	Салмоғи, %
Бино	14240	29,6	14240	20	14240	19,6
Машина ва ускуналар	6720	14	8850	12,4	8850	12,2
Мебел ва офис жиҳозлари	1280	2,7	3080	4,3	3080	4,2
Транспорт воситалари	19290	40	35710	50,2	35710	49,2
Кўп йиллик ўсимликлар	3535	7,3	3535	5	3100	4,3
Маҳсулдор ҳайвонлар	3100	6,4	5720	8	7600	10,5
Жами:	48165	100	71135	99,9	72580	100

Манба:*Ургут тумани «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалиги 2008-2009-2010 йиллар ҳисоботи маълумотлари.

8–жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида асосий воситалар салмоғи йилдан-йилга ошиб борган. 2010 йилда асосий воситаларнинг асосий қисмини, яъни 49,2 фоизини транспорт воситалари ташкил этган, маҳсулдор ҳайвонлар салмоғи ҳам 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 4,1 фоизга ошган. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнида қўл кучини камайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, технологик жараёнларни вақтида ўтказиш учун бевосита ишлаб чиқаришда иштирок этадиган транспорт воситаларни кўпайтириш лозим.

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида 2010 йилда пахта ва ғалла етиштириш бўйича иқтисодий кўрсаткичларини ўрганганимизда, бу тармоқларда рентабеллик даражаси 17 фоизни ташкил этиб, бу 2009 йилга нисбатан 1,2 пунктга камайган. Шунинг учун фермер хўжалигида мавжуд меҳнат моддий ресурслардан самарали фойдаланиб, юқори самарадорликка эришиш ҳамда олинадиган фойдани кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

3-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисоби.

3.1. Асосий воситаларнинг иқтисодий моҳияти, туркумланиши, баҳолаш ва ҳисобнинг вазифалари.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида меҳнат, материал ва молия ресурслари билан бирга асосий воситалардан ҳам фойдаланадилар. Асосий воситалар – узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан кўпроқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қилинадиган, шунингдек ижарага бериш учун фойдаланадиган моддий активлардир (БХМА №5 нинг 7-банди). Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, узатувчи мосламалар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари ва ҳ.к. киради. Фермер хўжаликларида маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва ҳ.к. ҳам асосий воситалар таркибига киради. Асосий воситаларга ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қилинган капитал сарфлар ҳам киради. Асосий воситалар айланма маблағлардан қуйидаги белгилари билан фарқ қилади:

- 1) Ишлаб чиқариш жараёнида бир неча марта иштирок этиши.
- 2) Хизмат муддати давомида натура кўринишини сақлаб қолиши.
- 3) Ўз қийматини харажатга босқичма-босқич (амортизация шаклида) кўшиши.

Хизмат муддати бир йилдан кам бўлган активлар (меҳнат воситалари) тез эскирувчи буюмлар ҳисобланади.

Асосий воситалар молиявий ҳисоботнинг №3 шакли «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот»га асосан қуйидагича туркумланади:

1. Бино.
2. Иншоот.
3. Узатиш мосламалари.
4. Машина ва жиҳозлар
шу жумладан:
 - а) Куч машина ва жиҳозлари.
 - б) Ишчи машина ва жиҳозлар.
 - в) Ўлчов ва тартибга солувчи асбоблар, мосламалар ва лаборатория жиҳозлари.
 - г) Ҳисоблаш техникаси.
 - д) Бошқа воситалари.
5. Транспорт воситалари.
6. Асбоб-ускуналар.
7. Ишлаб чиқариш инвентари.
8. Хўжалик инвентари.
9. Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар.
10. Кўп йиллик дарахтлар.

11. Ер ҳолатини яхшилашдаги капитал харажатлар (иншоотсиз).

12. Бошқа асосий воситалар.

Асосий воситаларнинг таркиби ҳозирги вақтда амалдаги классификацияга мувофиқ хўжаликлардаги асосий ишлаб чиқариш фондлари ўзининг моддий ҳарактерига ва ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган хизматига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий ишлаб чиқариш фондлари (иморат, иншоотлар, узатувчи мосламалар, машина ва қуроллар, маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқалар).

2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ишлаб чиқариш фондлари (саноат ишлаб чиқариш воситалари, қурилиш воситалари, савдо ва умум овқатланиш воситалари ва бошқалар).

3. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган асосий фондлар (уй жойлар, клуб, болалар боғчаси, мактаблар ва уларнинг ускуна ва инвентарлари).

Асосий воситалар ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида тайинланишига кўра туркумланади:

1. Ишлаб чиқариш асосий воситалари.
2. Заҳирадаги асосий воситалари.
3. Консервация қилинган асосий воситалар.
4. Ижарага олинган асосий воситалар.

Асосий воситалар кимга тегишли эканлигига кўра туркумланади:

1. Ўз асосий воситалари.
2. Ижарага олинган асосий воситалар.

Асосий воситалар ҳисобини тўғрилигининг шарти-уларни ягона принцип асосида баҳоланишидир. Асосий воситаларнинг 4 хил баҳоси мавжуд:

Асосий воситалар дастлабки қиймати – уларни барпо этиш (қуриш, ўстириш, етиштириш, ясаш) ёки сотиб олиш бўйича амалда қилинган харажатлар қийматидир.

Асосий воситалар дастлабки қиймати, уларни келиш манбаларига қараб қуйидагича бўлади:

а) Таъсисчилардан, уларнинг устав фондига улуши сифатида олинганда – томонларнинг келишувига кўра баҳоланади.

б) Фермер хўжаликларининг ўзида тайёрланган, бошқа фермер хўжаликларидан ёки шахсдан сотиб олинган асосий воситалар – ҳақиқий харажатлар миқдорида (олиб келиш, монтаж ва ўрнатиш харажатлари кўшилиб) баҳоланади.

в) Текинга олинган асосий воситалар экспертлар аниқлаган ёки қабул қилиш – топшириш ҳужжатларида кўрсатилган баҳода баҳоланади.

Асосий воситалар вақти-вақти билан Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 29 октябрда тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилган «1 январ ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби

тўғрисида низом»га кўра қайта баҳоланиб турилади. Бундай қайта баҳолаш ҳар йили бир марта 1 январ ҳолатига ўтказилди. Қайта баҳолаш натижасида аниқланган асосий воситалар қиймати – қайта тикланган қиймат дейилади.

1.Бошланғич қиймат- асосий воситани ишчи ҳолатга келтириш учун қилинган жами харажатлардир ёки уларни барпо этиш (қуриш, ўстириш, етиштириш, ясаш) ёки сотиб олиш бўйича амалда қилинган харажатлар қийматидир.

2.Жорий қиймат – асосий воситаларнинг муайян бир вақтда амалдаги бозор баҳолари бўйича қиймати ёки активларни хабардор манфаатдор томондан ўртасида алмаштирилиши мумкин бўлган суммасидир.

3.Қолдик қиймати – асосий воситаларнинг дастлабки (қайта тикланган) ёки жорий қийматидан тўпланган амортизация чиқариб танланган суммасидир.

4.Тугатиш қиймати–асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш вақтида кўзда тутилган қиймати, бундан асосий воситани тугатиш харажатлари айрилади.

5.Амортизацияланадиган қиймат- дастлабки қийматдан тугатиш қийматини чегирилганидир.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида эскириб боради, яъни дастлабки сифатини йўқотиб боради, маълум муддат ўтгандан кейин улар ишга яроқсиз бўлиб қолади ва уларни янгиси билан алмаштириш зарурияти туғилади.

Асосий воситалар жисмоний ва маънавий эскиради. Асосий воситаларнинг фойдаланиш жараёнида эскириши унинг жисмоний эскиришидир. Жисмоний эскириш 2 хил бўлади:

1.Асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш жараёнида, фойдаланиш натижасида аста-секин ўз параметрини ўзгартириши.

2.Асосий воситаларнинг бекор туриши ва очиқ майдонларда қаровсиз қолдирилиши натижасида деталларининг ишдан чиқиши ва коррозияга учраши

Бу хилдаги эскиришлар уларнинг фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Асосий воситаларнинг маънавий эскириши ҳам 2 хил бўлади:

1.Янги, анча унумли ва тежамли машиналар ихтиро этилиши ва уларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида эскирган машиналарнинг жисмоний ейилиши муддати тугамасданоқ, кадрсизланиб маънавий эскириб қолади.

2.Техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳам ўз навбатида ишлаб турган машиналар қийматини камайишига олиб келади ва маънавий эскиради.

Асосий воситалар жисмоний эскирган қисмининг янгидан яратилган маҳсулот қийматига аста-секин ўтиши орқали қопланиши ва истеъмол қилинган меҳнат воситаларини такрор ишлаб чиқариш учун пул воситаларининг тўпланиши амортизация дейилади. Асосий воситалар тўлиқ эскирганда уларнинг қиймати тўлиғича тайёр маҳсулотга ўтган бўлади.

Меҳнат воситаларининг ўтган қиймати маҳсулотни сотиш ва ундан ишлаб чиқаришда фойдаланиш орқали қопланади. Бу жараён тўхтовсиз давом этади.

Амортизация қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

1. Асосий воситаларни режалаштириш учун зарур бўлган, асосий воситалар эскириш даражасининг умумлашган шаклини характерлайди.

2. Эскирган меҳнат воситаларини алмаштириш учун пул фондини шакллантиради.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашга имкон беради.

Ҳозирда амортизация ажратмалари янги қоида билан жорий қилинди. Бу қоидага мувофиқ асосий воситалардан қай даражада фойдаланилганлигидан қатъий назар амортизация ажратмалари ажратила бошланади. Натижада хўжаликлар асосий воситалардан йил мобайнида янада тўла ва унумли фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Асосий воситаларнинг ҳар хил турлари учун белгиланган бу меъёрлар уларнинг реал хизмат қилиш муддатларига ва фойдаланиш шароитига қараб табақалаштирилди.

Асосий воситалар ҳисобининг вазифалари:

- Асосий воситаларни сақланишини ва мақсадга мувофиқ фойдаланишини назорат қилиш;

- Асосий воситалар келиши, ҳаракати ва чиқишини ҳужжатларда ва ҳисоб регистрлари тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;

- Асосий воситаларни таъмирлаш, кенгайтириш харажатларини мақсадга мувофиқлигини таъминлаш;

- Асосий воситалар амортизацияси (эскириши)ни тўғри ҳисоблашни ва харажатга қўшишни таъминлаш;

- Асосий воситалар ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ таъмирланишини назорат қилиш;

- Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва тугатиш натижаларини аниқ ҳисоблашни таъминлаш.

Асосий воситалардан самарали фойдаланиш ва уларни ҳисобга олишни тўғри йўлга қўйиш учун уларга инвентар номерлар берилади.

Фермер хўжаликлари барча турдаги яроқли ва сифатли асосий воситалар билан етарли даражада таъминланса ва улардан самарали фойдаланса, албатта маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир қилади, натижада моддий неъматлар етиштириш кўпаяди, сифати яхшиланади, соф фойдаси кўпайиб, иқтисоди мустаҳкамланади, оқибатда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига, ҳамда халқнинг турмуш даражасининг ўсишига сабабчи бўлади.

Шу нуқтаи назардан хўжаликнинг асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини узлуксиз равишда таҳлил қилиб туриш ва улар асосида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир.

3.2. Асосий воситалар келишининг ҳисоби.

Фермер хўжаликларига тегишли (мулки) бўлган асосий воситалар ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар, актив счёти бўлган 0100-«Асосий воситалар ҳисоби счётилари» таркибидаги қуйидаги счётиларда олиб борилади:

0110 Ер

0111 Ерни ободонлаштириш

0112 Молияланадиган узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш

0120 Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар

0130 Машина ва асбоб-ускуналар

0140 Мебель ва офис

0150 Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси

0160 Транспорт воситалари

0170 Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар

0180 Кўп йиллик ўсимликлар

0190 Бошқа асосий воситалар

0199 Консервация қилинган асосий воситалар

Ушбу счётилар бўйича асосий воситаларнинг ҳар бир гуруҳи ёки тури бўйича аналитик счётилар ташкил этилади. Асосий воситалар юқоридаги счётиларда дастлабки қийматда ёки қайта тикланган қийматда ҳисобга олиб борилади.

Асосий воситаларни келиши, «Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси» (№1-ОС шакл) билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатнома ҳар бир объектга тузилиб, техник ҳужжатлар илова қилинади ва асосий воситани баҳоси, эскириш суммаси, тайёрланган вақти, фойдаланишга бериш вақти кўрсатилади. Асосий воситалар ҳаракати ва ҳолати «Инвентар карточка» (№6-ОС шакл)да ҳисобга олиб борилади.

Асосий воситалар келиши бўйича қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Дебет 0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётилар»

Кредит 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счёти - Қурилган объектлар асосий воситалар таркибига қабул қилинганда.

2) Дебет 0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» счёти.

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётилар» счёти.

-Асосий воситалар сотиб олинганда. Бир вақтнинг ўзида шу асосий воситалар хўжаликда асосий воситалар таркибига қабул қилинганда.

Дебет 0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётилар»

Кредит 0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» счёти.

3) Дебет 0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётилар».

Кредит 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти - Молиявий лизингга олинган асосий воситаларнинг молиявий лизинг муддати тугагандан сўнг ўз асосий воситалар таркибига қабул қилинганда.

- 4) Дебет 0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар»
Кредит 4610-«Устав капитали (фонди)га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи» счёти - Таъсис этувчилардан устав капиталига кўшилган асосий воситалар қабул қилинганда.
- 5) Дебет 0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар»
Кредит 8530-«Бепул олинган мулк» счёти - Асосий воситалар текинга олинганда.
- 6) Дебет 0170-«Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счёти.
Кредит 0840-«Асосий подани шакллантириш» счёти - Ишчи ёки маҳсулдор ҳайвон асосий восита таркибига қабул қилинганда.
- 7) Дебет 0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар».
Кредит 0890-«Бошқа капитал кўйилмалар» счёти - Асосий воситани кенгайтириш ва реконструкция қилишда қиймати ошганда.
- 8) Дебет 0111-«Ерни ободонлаштириш» счёти.
Кредит 0850-«Ерни ободонлаштиришга қилинган капитал кўйилмалар» счёти - Ерни ҳолатини яхшилаш учун қилинган сарфлар асосий восита таркибига қабул қилинганда.
- 9) Дебет 0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар»
Кредит 8510-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тuzатишлар» счёти- Асосий воситалар қайта баҳолашда ошган суммасига.
- 10) Дебет 0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар»
Кредит 9390-«Бошқа операцион даромадлар» счёти-Асосий воситалар инвентаризация натижасида ортиқча чиқса, ошган суммасига.
- Асосий воситаларни ҳисобга олиб боришда уларни карточкаларда ҳисобга олиб бориш қулай бўлиб, бунда ҳар бир асосий воситага ёки гуруҳига алоҳида карточка очилиб, унда тегишли маълумотлар (номи, инвентар рақами, дастлабки қиймати, амортизация суммаси ва ҳ.к.) акс эттирилиб борилади. Карточкалар картотекада сақланади.

3.3. Асосий воситалар эскириши ҳисоби.

Асосий воситалар қийматини харажатга босқичма-босқич, яъни қисман қўшиб боради. Ана шу асосий воситанинг харажатга, яъни маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган қисми амортизация ажратмалари дейилади. Амортизация ажратмалари йиғиндиси – эскириш суммасини ташкил этади. Асосий воситаларга амортизация ажратмалари меъёри Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида белгилаб берилган. Ушбу меъёрлар асосий воситанинг дастлабки ёки қайта тикланган қийматида фоизларда белгиланган бўлиб, улар қуйидагича:

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Асосий воситаларнинг номи	Амортизациянинг йиллик нормаси, %да
I		Бинолар, иморатлар ва иншоотлар	
	1	Бинолар, иморатлар	5
	2	Нефть ва газ қудуқлари	
	3	Нефть-газ омборлари	
	4	Кема қатнайдиған каналлар, сув каналлари	
	5	Кўприклар	
	6	Дамбалар, тўғонлар	
	7	Дарё ва денгиз причал иншоотлари	
	8	Фермер хўжаликларининг темир йўллари	
	9	Қирғокни мустаҳкамловчи, қирғокни ҳимояловчи иншоотлар	
	10	Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа сиғимлар	
	11	Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоғи	
	12	Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғи	
	13	Ҳаво кемаларининг учиш-қўниш йўллари, йўлаклар, тўхташ жойлари	
	14	Боғларнинг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари	
	15	Спорт-соғломлаштириш иншоотлари	
	16	Иссиқхоналар ва парниклар	
	17	Бошқа иншоотлар	
II		Узатиш қурилмалари	
	1	Электр узатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари	8
	2	Ички газ қувурлари ва қувурлар	
	3	Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари	
	4	Магистрал қувурлар	
	5	Бошқалар	
III		Куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар	
	1	Иссиқлик техника ускуналари	8

	2	Турбина ускуналари ва газ турбиналари қурилмалари	
	3	Электр двигателлари ва дизель-генераторлар	
	4	Комплекс қурилмалар	
	5	Бошқа куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
IV		Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
	1	Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва ускуналар	
	2	Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва ускуналари	
	3	Коммутациялар ва маълумотларни узатиш рақамли электрон ускуналари, рақамли тизимлар узатиш ускуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси	
	4	Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа ускуналари	
	5	Узатишлар тизимлари коммутацияларининг ўхшаш ускуналари	
	6	Киностудияларнинг махсус ускуналари, тиббий ва микробиология саноати ускуналари	15
	7	Компрессор машиналари ва ускуналари	
	8	Насослар	
	9	Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва ускуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва ускуналар	
	10	Устун-қозиқ қоқиш машиналари ва ускуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш ускуналари	
	11	Технологик жараёнлар учун барча турдаги сифимлар	
	12	Нефть қазиб чиқариш ва бурғулаш ускуналари	
	13	Бошқа машиналар ва ускуналар	
V		Ҳаракатланувчан транспорт	
	1	Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби	
	2	Денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари	8
	3	Ҳаво транспорти	
	4	Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти	20
	5	Енгил автомобиллар	
	6	Саноат тракторлари	
	7	Коммунал транспорт	
	8	Махсус вахта вагонлари	10

	9	Бошқа транспорт воситалари	20
VI		Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	
	1	Компьютерлар	20
	2	Периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	
	3	Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси	
	4	Бошқалар	
VII		Бошқа гуруҳларга киритилмаган қатъий белгиланган активлар	
	1	Кўп йиллик дов-дарахтлар	10
	2	Идора мебелли ва ускуналари (шу жумладан телефон аппаратлари, ҳисоблаш қурилмалари ва бошқалар)	15
	3	Бошқалар	10

Қуйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

- 1) ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);
- 2) маҳсулдор чорва моллари;
- 3) кутубхона фонди;
- 4) музей қимматликлари;
- 5) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган асосий воситалар;
- 6) архитекредитура ёдгорликлари;
- 7) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлақлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфидаги бўлган ободонлаштириш иншоотлари;
- 8) амортизация тўлиқ ҳисобланган мол-мулк;
- 9) асосий воситалар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмалар.

Асосий воситалар учун амортизацияни юқорида кўриб ўтилган нормаларда белгиланганидан пастрок ва фермер хўжалиқларининг ҳисоб сиёсатида мустақамлаб қўйилган нормалар бўйича ҳисоблашга йўл қўйилади.

Фойдаланишда бўлган асосий воситаларни сотиб оладиган фермер хўжалиқлари ушбу асосий воситалар бўйича амортизация нормасини мазкур асосий воситалардан аввалги мулкдорлар томонидан фойдаланилган йиллар (ойлар) сонига камайтирилган фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда белгилашга ҳақлидир. Агар мазкур асосий воситадан аввалги мулкдорларда амалда фойдаланиш муддати ушбу асосий воситаларнинг ушбу моддада таснифланиши билан белгиланадиган фойдаланиш муддатига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, фермер хўжалиқлари техника хавфсизлиги талабларини ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда бу асосий воситадан унумли фойдаланиш муддатини мустақил равишда, лекин уч йилдан кам бўлмаган муддатга белгилашга ҳақлидир. Фойдаланишда бўлган асосий воситалардан

фойдаланиш муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, амортизацияни ҳисоблаш янги асосий воситаларга бўлгани сингари амалга оширилади.

Қабул қилинган асосий воситалар, қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан амортизация ҳисобланади. Ҳисобдан чиққанларига, ҳисобдан чиққан ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан амортизация ҳисоблаш тўхтатилади.

Асосий воситаларга амортизация 5-сон БХМА «Асосий воситалар»нинг 24 ва 25 пунктларига асосан, қуйидаги усулларнинг бири асосида ҳисобланади:

- 1) Амортизацияни барабар (тўғридан-тўғри) ҳисоблаш усули.
- 2) Амортизацияни бажарилган иш ҳажмига мутаносиб тарзда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули.
- 3) Амортизацияни икки барабор кўпайтирилган меъёри билан камайдиган қолдиқ усули (қолдиқни камайиш усули)
- 4) Йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усули).

Асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммалари «Амортизация ҳисоблаш ведомости»да ҳар ойда акс эттирилиб борилади.

Асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммалари счётлар режасидаги контр-актив счёт бўлган. 0200-«Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар» таркибидаги қуйидаги счётларда ҳисобга олиб борилади:

- 0211 Ер ободонлаштиришнинг эскириши
- 0212 Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши
- 0220 Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши
- 0230 Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши
- 0240 Мебел ва офис жиҳозларининг эскириши
- 0250 Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши
- 0260 Транспорт воситаларининг эскириши
- 0270 Ишчи ҳайвонларнинг эскириши
- 0280 Кўп йиллик ўсимликлар эскириши
- 0290 Бошқа асосий воситаларнинг эскириши
- 0299 Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши

Асосий воситаларга амортизация ҳисобланганда, асосий воситалар хизмат қиладиган тармоқ харажатини ҳисобга олувчи счётлар (0810, 2010, 2310, 2510, 2710, 2720, 9423) дебетланиб, 0211-0299 счётлар кредитланади.

0200-«Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар»нинг корреспонденцияси.

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Фермер хўжаликларининг асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларида	2010, 2310,	0211- 0299

	фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда	2710	
2	Умумишлабчиқариш мақсадида фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда	2510	0211-0299
3	Маъмурий мақсадлар учун фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда	9420	0211-0299
4	Куйидаги мақсадларда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш: а) янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида; б) умумий ёки яқка тартибда ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришда;	9440	0211-0299
5	Ишчи хайвонларга эскириш ҳисобланганда	2010, 2310	0270
6	Кўп йиллик ўсимликларга эскириш ҳисобланганда	2010	0280
7	Жорий (қисқа муддатли) ижарага берилган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда	9430	0220-0299
8	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хусусий асосий воситалар таркибига ўтиши натижасида уларга ҳисобланган эскириш суммасини ўтказиш	0299	0211-0290
9	Узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугагандан кейин ижарага берувчига қайтариладиган асосий воситаларнинг эскиришни ҳисобдан чиқариш	0299	0310
10	Асосий воситаларнинг эскиришини қайта баҳолаш: а) қиймати оширилганда б) қиймати камайтирилганда	8510 0211-0299 0299	0211-0299 8510
11	Асосий воситаларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узоқ муддатли ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида уларга ҳақиқатда ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш	0211-0290	9210

3.4. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва тугатишнинг ҳисоби.

Асосий воситалар тўлиқ эскирганда, сотилганда, табиий офат натижасида нобуд бўлганда ва бошқа ҳолларда ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситаларни ҳисобда чиқарилишида махсус тузилган хайъат томонидан «Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси» (№4-ОС-шакл) расмийлаштирилади. Далолатномани фермер хўжалиги раҳбари тасдиқлангандан сўнг, бухгалтерияга топширилади ва асосий воситалар ҳисоби карточкасига тегишли ёзувлар ёзилади. Асосий воситани тугатишдан олинган материаллар «Далолатнома» асосида омборга қабул қилинади. Асосий воситаларни тугатилиши ва бошқа ҳисобдан чиқиши транзит счёти бўлган 9210-» Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими « счётида ҳисобга олиб борилади. Ушбу счёти бўйича қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади.

1. Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.
Кредит 0110-0190 счётлари - Ҳисобдан чиқарилган (сотилган, текинга берилган, тугатилган) асосий воситалар дастлабки қийматига.
2. Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.
Кредит 0110-0190 счётлари - Лизингга берилган ёки бошқа фермер хўжаликларига ҳисса бадали сифатида берилган асосий воситанинг дастлабки қийматига.
3. Дебет 0210-0299 счётлари.
Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти - Ҳисобдан чиқарилган асосий воситанинг эскириш суммасига.
4. Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.
Кредит 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти-Асосий воситани тугатишда ёрдамчи ишлаб чиқаришлар хизмати суммасига.
5. Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.
Кредит 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар» счёти- Асосий воситани тугатишда қатнашганларга меҳнат ҳақи ҳисобланса.
6. Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.
Кредит 6520-«Давлат мақсадли фондларига тўловлар» счёти - Ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобланса
7. Дебет 1050, 1090 счётлари.
Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти-Асосий воситани тугатишдан олинган турли хил материаллар суммасига.
8. Дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти.
Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти - Харидорларга сотилган асосий воситалар суммасига (пули тўланмаган).
9. Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.
Кредит 9310-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда» счёти - Асосий воситани тугатишдан молиявий натижа (фойда) аниқланса.

10.Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счёти.

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти - Асосий воситани тугатишдан молиявий натижа (зарар) аниқланса.

Асосий воситалар фойдаланишга яроқсиз бўлганда ёки тўлиқ эскирган «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси» расмийлаштирилиб, ҳисобдан чиқарилади. Ушбу хўжалик операциялари бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттирилади:

1.Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.

Кредит 0110-0190 счётлари – Асосий воситанинг дастлабки қиймати.

2.Дебет 0210-0290 счётлари.

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти - Асосий воситани эскириш суммасига.

3.Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.

Кредит 2310, 6710, 6520 счётлари - Асосий воситани тугатиш билан боғлиқ харажатларга.

4.Дебет 1040, 1050, 1090 счётлари.

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти -Асосий воситани тугатишдан олинган турли материаллар суммасига.

Асосий воситаларни бошқа ҳисобдан чиқаришлари бўйича молиявий натижа, худди асосий воситаларни сотишдагидек аниқланади.

Асосий воситалар инвентаризация натижасида кам чиққанда ёки табиий офат натижасида ёки бошқа сабаблар билан ҳам ҳисобдан (балансдан) чиқарилади. Ушбу операциялар бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттирилади:

1.Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти.

Кредит 0110-0190 счётлари - Асосий воситанинг дастлабки қиймати.

2.Дебет 0210-0290 счётлари.

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти-Асосий воситанинг эскириш суммасига.

3.Дебет 5910-«Камомадлар ва моддий бойликларни бузилишидан келадиган нобудгарчиликлар».

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»-счёти -Кам чиққан асосий воситанинг қолдиқ қиймати суммасига.

4.Дебет 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимнинг қарзи» счёти.

Кредит 5910-«Камомадлар ва моддий бойликларни бузилишидан келадиган нобудгарчиликлар» счёти -Камомад суммаси айбдорга олиб борилса.

Асосий воситалар камомади ёки бошқа ҳисобдан чиқишига айбдор шахс аниқланмаса,сумма 5910-«Камомадлар ва моддий бойликларни

бузилишидан келадиган нобудгарчиликлар» счёта қолади ва йил охирида 9910-«Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади.

Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа ҳисобдан чиқишида инвентар объектларни ҳар бир тури бўйича алоҳида аналитик счётлар очилиб, аналитик ҳисоби юритилади.

Асосий воситалар лизинг бўйича берилганда, лизинг бўйича олиниши лозим бўлган суммалар, даромад ҳисобланиб қуйидагича проводка берилади:

1. Дебет 6290-«Муддати узайтирилган даромад» счёти.

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти-Жорий йилда (ҳисобот даврида) олинadиган лизинг суммаси.

2. Дебет 7290-«Бошқа муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар» счёти.

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти-Кейинги даврларда олинadиган лизинг суммаси.

Агар асосий воситалар узоқ муддатли ижарага берилса:

Дебет 0920-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинadиган тўловлар» счёти

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти бухгалтерия проводкаси берилади.

4-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш.

Асосий воситалардан фойдаланиш даражаси ошган сайин ишлаб чиқариш ривожланиб, унинг ҳажми ошиб боради. Шунинг учун асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги даражасини ўрганиш асосида мавжуд имкониятларни аниқлаш катта аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ҳозирги босқичида мавжуд ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини оширишда моддий-техника базасини кенгайтириш қайта ташкил қилиш ва реконструкция қилиш бирламчи аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигини моддий-техника базаси деганда, қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган барча меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндисига тушунилади. Унинг таркибига ер ресурслари, ишлаб чиқариш иморатлари, иншоатлари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозлари, транспорт воситалари, маҳсулдор ва иш ҳайвонлари, кўп йиллик дарахтлар, сув ресурслари, уруғлик, чорва озуқалари, нефть маҳсулотлари, ўғит, кимё воситалари ва бошқалар кириди.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасида ер асосий роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши бевосита ердан қай даражада фойдаланишга боғлиқ. Ернинг унумдорлиги ҳар хил бўлиб, маҳсулот бирлиги учун ҳар хил миқдорда харажат сарфланади. Бу эса ҳар хил унумдорликка эга бўлган ерларда бир хил миқдорда асосий ва айланма воситаларга эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси ҳар доим табиий шароитлар таъсирида бўлади. Қишлоқ хўжалиги ҳудудий характерга эга бўлиб, ҳар бир ҳудудда тупроқ - иқлим шароитлари ҳар хил бўлиши

туфайли ҳар хил системадаги машиналардан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун ҳудудларда ва ҳудудлар ичидаги хўжаликларда моддий-техника базасининг таркиби ҳам ҳар хил бўлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир бирига мос келмаслиги туфайли, ишлаб чиқариш мавсумий хусусиятга эга бўлиб, бу моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир этади. Ишлаб чиқариш мавсумий бўлиши захира уруғлик, озуқа, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқаларга эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг бир қисми жонли организм (иш ҳайвонлари, маҳсулдор моллар, паррандалар, кўп йиллик дарахтлар ва ҳоказо)лардан иборат бўлиб, улардан самарали фойдаланиш учун маълум ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмоқлик керак.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги тараққий этган транспорт хизмати, сифатли йўл қурилишини амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва сақлаш кўп миқдорда сарфлар қилишни тақозо этади,

Қишлоқ хўжалигининг асосий ривожланиш қонуниятлари — бу ишлаб чиқариш воситаларининг доимо ўсиб боришини, унинг структурасини яхшиланишини ва самарадорлигини ошишини тақозо этади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлигига боғлиқ. Асосий воситалар билан етарли даражада таъминланмаслик маҳсулот миқдори ва меҳнат унумдорлигининг секин ўсишига ҳамда маҳсулот таннархининг ошишига, такрор ишлаб чиқариш манбаларининг камайишига олиб келади. Шу билан бир қаторда асосий воситаларнинг «ортиқчалиги» ва тўғри фойдаланмаслик уларнинг ўлик ҳолатда туришига, пировард натижада ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат:

1). Қишлоқ хўжалиги экин турларининг ҳосилдорлигини, чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш. Нимаики ҳосилдорликни, чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишга таъсир кўрсатса, ўша нарса воситалардан фойдаланишнинг самарадорлиги ошишига ижобий таъсир қилади. Демак, фан-техника тараққиёти натижасида янги, серҳосил экин турларини ва маҳсулдор чорва молларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари билан биридир.

2). Асосий воситаларнинг фаол қисми бўлган транспорт воситалари, техника, асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг сменалик коэффициентларини кўтариш улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари билан бири ҳисобланади.

3). Асосий воситалар таркибини такомиллаштириш улардан фойдаланишни иқтисодий самарадорлигини оширишнинг жуда муҳим йўллари билан биридир. Бугунги кунда ишлаб чиқаришда мавжуд куч берувчи техникалар (трактор ва ҳ.к.) билан ишчи машиналар ўртасидаги мўътадил (оптимал) нисбатни таъминлаш асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради. Бугунги кунда ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган куч берувчи техникалар (трактор ва ҳ.к.) катта қувватга эга. Масалан, битта “Магнум” русмли трактордан йил давомида тўлиқроқ фойдаланиш учун 35 ва ундан кўпроқ ишчи машиналар керак экан. Бирорта ишчи машинанинг бўлмаслиги ушбу куч берувчи машинадан фойдаланиш имкониятлари камайишига олиб келади.

4). Асосий ва айланма воситалар мутаносиблигини таъминлаш ҳам улардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Ишлаб чиқаришда қатнашаётган асосий воситалар етарли миқдорда айланма фондлар билан таъминланиши керак. Масалан, чигит экиш даврида трактор ва чигит экиш агрегатидан фақат етарли миқдорда чигит бўлгандагина самарали

фойдаланиш мумкин. Экиш учун зарур чигит бўлгандагина трактор ва экиш агрегатларидан самарали фойдаланиш мумкин. Экиш учун зарур чигитнинг етишмаслиги техникаларнинг бекор туриб қолишига олиб келади ва ҳ.к.

5). Асосий воситалардан фойдаланишда фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири ҳисобланади. Агарда мавжуд қонун – қоидалар, асосий воситалардан фойдаланувчиларни асосий воситалардан яхши фойдаланганлиги учун моддий манфаатдор қилса, яхши натижаларга эришиш мумкин ёки аксинча.

6). Асосий воситалардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири унга хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланганлик даражаси ҳисобланади. Асосий воситаларни вақтида техник қаровлардан ўтказиш, жорий ва капитал таъмир қилиш ишларни талаб даражасида ташкил этиш лозим.

7). Асосий воситалардан фойдаланиш даражасига кадрларнинг билим ва малакасининг таъсири катта. Механизатор, ишженер техник ходимларнинг ўз ишини яхши билиши асосий воситалардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширади ва аксинча.

Шунинг учун, мавжуд реал имкониятлардан оқилона фойдаланишни тезлаштириш мақсадида фермер хўжалигини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш тадбирларини кенг миқёсда амалга ошириш муҳимдар.

Демак, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида асосий воситалар иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларини тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиш, бунда иқтисодий самарадорлик даражаси ва кўрсаткичларини халқ хўжалиги ва тармоқ даражасида ўрганиш билан биргаликда корхона миқёсида ва алоҳида тадбирлар бўйича амалга ошириш имкониятларини очиб беради. Бу эса асосий воситалардан фойдаланишда юқори самарадорликка эришишга замин яратади.

5-боб. Қишлоқ хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича қўйилган асосий мақсад - бу инсоннинг жамият тараққиётидаги ролидир. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги - бу ҳар қандай шароитдаги инсон фаолиятидир. Инсоннинг ҳамма фаол ҳаракати, яъни меҳнат жараёнида, дам олишда, уйда ҳамда спортдаги фаолиятини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлиги бўлимларини қамраб олади. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тамойил ва усуллар асосида: бахциз ҳодисалар, қурбонлар ва улар натижасида келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг миқёсда қўядиган ва ҳал қиладиган воситадир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги - бу ҳар қандай кўринишдаги фаолиятга қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 8 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди. Мазкур Қоидалар ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим муассасалари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ташкилотларга тааллуқлидир.

Таълим муассасалари талабалари меҳнатидан фойдаланиш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назорат махсус ваколат берилган давлат органлари, меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олишда банд бўлган таълим муассасалари талабаларига иш турлари бўйича белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқ берилиши керак. Бунда улар олдида куйидаги талаблар қўйилади:

Таълим муассасалари талабалари меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар:

– Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

– Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомга мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

– Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатига мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига ега бўлган ишларга жалб қилинмайди.

– Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-бандига мувофиқ ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Меҳнат ва дам олишга куйидаги талаблар қўйилган: Ташкилотларда ўқувчи ва талабаларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти қонун ҳужжатлари талаблари асосида ташкилотларнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади. Иш

вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун еса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланиши лозим. Талабаларни иш вақтидан ташқари ҳамда тунги ишларга жалб қилиш қатъиян тақиқланади.

Талабаларни дала ишларига олиб бориш ҳамда олиб келишда хавфсизлик талаблари: Ҳар бир транспорт воситасига жойлаштириладиган талабалар сони транспорт воситасининг техник ҳолатидан келиб чиққан ҳолда раҳбарият томонидан белгиланиши ҳамда ҳар бир транспорт воситасидаги талабалар рўйхатга олиниши лозим. Ҳар бир транспорт воситасидаги талабаларга алоҳида раҳбар тайинланади. Раҳбар уларни назорат қилиб бориши лозим. Бунда талабаларни ташиш учун мўлжалланган транспорт воситаларидан, уларнинг юklarини олиб боришда эса, юк ташишга мўлжалланган транспорт воситасидан фойдаланиш шарт. Транспорт воситасида талабаларнинг транспорт воситаси ойнаси ҳамда бошқа жойларидан қўл, бош ва бошқа аъзоларини чиқаришлари тақиқланади.

Талабаларни вақтинча яшаб туриш жойларидан далага олиб чиқиш ҳамда олиб келишга қўйиладиган хавфсизлик талаблари: Талабаларни далага олиб чиқиш ва олиб келишдан олдин раҳбар йўқлама қилиши ва уларга бажариладиган иш турлари бўйича тўлиқ тушунтириш, йўл-йўриқлар бериши лозим. Талабалар орасида касал ёки вақтинча иш қобилиятини йўқотганлар тиббиёт ходими назоратидан ўтади ва уларнинг соғликлари тўла тиклангунча дам олиш жойларида қолдирилади. Далага чиқадиган талабалар ишнинг турига ҳамда иқлим шароитига мос уст-бош кийган бўлиши лозим. Иш олиб бориладиган дала яшаш жойидан 3 км масофадан узоқда жойлашган бўлса, махсус транспорт воситаси ажратилиши керак. Иш жойларига олиб бориш ва қайтариб келиш фақат куннинг ёруғ пайтида амалга оширилиб, талабалар пиёда ҳаракатланганларида йўлдаги транспорт воситасининг қатновига ҳалақит бермаслик мақсадида саф бўлиб юришлари лозим. Саф бўлиб ҳаракатланишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқариш мақсадида

сафнинг бошида ҳамда охирида қизил байроқчали бошқарувчилар қўйилиши лозим. Иш жойига етиб келгандан сўнг талабалар рўйхат бўйича иш жойларига тақсимланиши лозим.

Дала ишларини бажаришда хавфсизлик талаблари: Талабалар дала ишларини бажаришдан олдин белгилаган тартибда мавсумий кийим-бош, соз иш қуроллари билан таъминланишлари лозим. Дала ишларига жалб қилинган талабалар ҳудуднинг раҳбари рухсати билан унинг кўрсатмасига асосан иш бошлашлари лозим. Талабалар дала ишларини бажараётган вақтида бир-бирларидан камида 2 м масофада жойлашишлари лозим. Талабалар куннинг ёруғ вақтида ишлашлари лозим.

Ўза қатор орасига ишлов беришда хавфсизлик талаблари: талабалар ишни бошлашдан олдин иш қуроли созлигини кўздан кечириши, текшириб кўриши, иш қуроли носозлиги аниқланган ҳолатда дарҳол раҳбарга хабар бериши ва уни алмаштириши лозим. Талабалар ишлаётган ҳудудларда ҳаракатланаётган механизмлардан камида 10 м узоқликда ишлашлари лозим. Бунда механизм ҳаракатланаётган йўналишда талабаларнинг ишлашига ёки яқинига боришга умуман йўл қўйилмайди. Талабалар ишлаётган ҳудудда зовур ва каналлар бўлса, уларнинг яқинига бориш тақиқланади. Талабаларнинг улар ишлаётган ҳудудлардаги электр қурилмаларига яқинлашиши тақиқланади. Далада чанг, тўзон, қаттиқ шамол, ёғингарчилик рўй берганда ишни тўхтатиш ва пана жойга ўтиш лозим.

Ўза кўчатларини сийраклаштиришда (ягана) хавфсизлик талаблари: Ўза кўчатларини сийраклаштиришда (ягана) ишлатиладиган иш қуролининг созлигини текшириб кўриши ҳамда ушбу иш қуролидан тўғри фойдаланишни билиши лозим. Талабалар ўза кўчатларини сийраклаштириш (ягана) ишларини қўл ёрдамида бажарганда махсус қўлқоплардан фойдаланишлари лозим. Талабалар махсус кийимсиз ўза кўчатларини сийраклаштириш (ягана) ишларига рухсат қилинмайди.

Ўзани чилпиш (чеканка) қилишда хавфсизлик талаблари: талабалар чеканка қилиш ишларини бажараётганда ўзанинг тегишли жойларини қўл

бармоқлари ёрдамида узишлари лозим, тирноқ билан бажаришга йўл қўйилмайди. Талабалар чеканка ишларини бажараётганда егат ичидаги чуқур, нотекис ва кесак йиғилиб қолган жойларга еътибор берган ҳолда еҳтиётлик билан ҳаракатланишлари лозим.

Пахта теримида қўйиладиган хавфсизлик талаблари: Ғўза баргини тўкиши учун кимёвий ишлов берилган майдонга талабалар камида 10 кун муддат ўтгандан кейингина ишлашига рухсат етилиши лозим. Талабалар пахта теримида жалб қилинишидан олдин махсус кийим-бошлар билан таъминланиши керак. Талабаларнинг ғўза ичида, пахта ғарами устида ва даланинг бошқа мослаштирилмаган ҳудудларида дам олиш (ухлаш)ларига йўл қўйилмайди. Пахта даласида очик оловдан фойдаланиш, сигарета чекиш ҳамда бошқа ёнғинга сабаб бўлувчи воситалардан фойдаланиши қатъиян тақиқланади. Талабаларнинг пахта терилаётган майдонда ҳаракатланаётган механизмларнинг олдига яқинлашиши, унинг йўналишига чиқиши тақиқланади. Талабаларнинг пахта ортилган тиркамаларга чиқиши ёки ҳаракатланаётган тиркамаларга осилишлари қатъиян ман қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-113 моддаларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш учун меҳнат шартномалари тузиш ва қишлоқ хўжалик корхоналари олдига қуйидаги вазифаларни бажариш юклатилган: Хавфсиз ва соғлом иш шароитларини таъминлаш; Касб касалликларини огоҳлантирувчи замонавий хавфсизлик техника воситаларини татбиқ этиш; Ишчи ва хизматчиларни бепул ҳимоя воситалари билан таъминлаш; Тиббий кўрикларни ўз вақтида ўтказиб туриш; Йўриқномалар билан ўз вақтида таништириб бориш; Меҳнатга яраша рағбатлантириш; Вояга етмаган ёшларни оғир ишларга жалб этмаслик ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат шароитларининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга, яъни меҳнаткашларнинг соғлиғини яхшилаш, ўз ишидан мамнунлик даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишини бажариш давомида асосий воситалар билан таъминланиш даражаси, самарадорлик кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш усуллари кўриб чиқилиб, Самарқанд вилояти Ургут тумани фермер хўжаликларига, шу жумладан, «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалиги мисолида асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил этиб, қуйидаги хулоса ва таклифларни қилдик:

1. «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигининг 88 гектар ер майдони бўлиб, шундан 83 гектари ҳайдаладиган, сувли ерларни ташкил этиб, 43 гектари пахта ва 40 гектарини ғалла майдони ҳисобланади. Фермер хўжалиги 2010 йилда маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан 104312,4 минг сўм даромад олинган бўлиб, унинг 60,1 фоизи ёки 62626,2 минг сўми пахта хом ашёсини сотишдан, 36,8 фоизи ёки 38416,2 минг сўми дон сотишдан, 3,1 фоизи ёки 3240 минг сўми пилла сотишдан олинган. Шунинг учун фермер хўжалиги пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган бўлиб, олинган ҳосил ушбу тармоқларда кейинги йилларда кўпайиб бормоқда.

«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш билан бир каторда сабзавотчилик маҳсулотлари етиштиришни, ғалладан бўшаган ерларга такрорий экинларни экиш, шунингдек чорвачилик тармоғини ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Фермер хўжаликлар иқтисодиёти мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва унинг самарадорлигининг ошиши меҳнат ресурслари билан таъминланиш ва улардан самарали фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳар доим ишлаб чиқариш кўламининг ошишига сабабчи бўлади. Меҳнат унумдорлиги ошган сайин ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори кўпайиб, унинг самарадорлиги ошиб боради. Фермер хўжаликда ишловчиларга 2010 йилда 9006,0 минг сўм меҳнат ҳақи сарфланиб, ғаллачиликда меҳнат қилаётганларга ўртача ойлик меҳнат ҳақи 45600 сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич тумандаги бошқа илғор

фермер хўжаликларига нисбатан бироз пастдир. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, меҳнат малакасини ошириш, ходимларни дам олиш, маиший шароитларини яхшилаш мақсадга мувофиқдир.

3.«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида 2011 йил 1 январ ҳолатига 164580 минг сўмлик асосий восита бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йил 1 январ ҳолатига эса 157790 минг сўмни ташкил этган. 2010 йил давомида асосий воситалар 2700 минг сўмга кўпайган. Бу кўпайиш фермер хўжалиги идорасига 2700 минг сўмлик мебел ва офис жиҳозлари ҳамда 5590 минг сўмлик машина ва ускуналар сотиб олиниши ҳисобига бўлган. «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида асосий воситалар салмоғи йилдан-йилга ошиб борган. 2010 йилда асосий воситаларнинг асосий қисмини, яъни 49,2 фоизини транспорт воситалари ташкил этган, маҳсулдор ҳайвонлар салмоғи ҳам 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 4,1 фоизга ошган.

4.«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигининг асосий воситалар билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш даражасини омилли таҳлил қилганимизда, 2010 йилда фермер хўжалигининг асосий воситалар билан таъминланиш даражаси 2008 йилга нисбатан 177,2 минг сўмга ёки 17,7 фоизга камайганлигини кўрдик. Бунда 2010 йилда фермер хўжалиги ер майдонининг 17 гектарга ошиши қарамасдан 1 гектар ҳисобига тўғри келадиган асосий воситаларнинг қиймати 193,6 минг сўмга камайган. 2010 йилда асосий воситалар ҳажмининг 2009 йилга нисбатан 1445 минг сўмга ошиши натижасида эса 1 гектар ҳисобига тўғри келадиган фондлар ҳажми 16400 сўмга, яъни фондлар билан таъминланиш даражаси 2,0 фоизга ошган.

5.«Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалигида асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлилини фонд қайтими мисолида кўрганимизда, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан фонд қайтими даражаси, яъни 1 сўмлик асосий воситалар ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажми 1,0 фоизга ошганлиги аниқланди. Ушбу ўзгариш асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 1445

минг сўмга ошиши натижасида фонд қайтими даражаси 0,028 сўмга ёки 1,02 фоизга пасайган. Бошқача айтганда 1 сўмлик асосий восита ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми 0,028 сўмга камайиши ҳамда ялпи маҳсулот ҳажмининг 2428,9 минг сўмга ошиши натижасида 1 сўмлик асосий восита ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот суммаси 0,033 сўмга ёки 1,02 фоизга ошиши ҳисобига содир бўлган. Шунинг учун, мавжуд реал имкониятлардан оқилона фойдаланишни тезлаштириш мақсадида фермер хўжалигини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш тадбирларини кенг миқёсда амалга ошириш муҳимдар. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнида қўл кучини камайтириш, технологик жараёнларни вақтида ўтказиш учун бевосита ишлаб чиқаришда иштирок этадиган транспорт воситаларни кўпайтириш лозим.

Демак, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида асосий воситалар иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларини тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиш, бунда иқтисодий самарадорлик даражаси ва кўрсаткичларини халқ хўжалиги ва тармоқ даражасида ўрганиш билан биргаликда корхона миқёсида ва алоҳида тадбирлар бўйича амалга ошириш имкониятларини очиб беради. Бу эса асосий воситалардан фойдаланишда юқори самарадорликка эришишга замин яратади.

Ушбу таклифларимизни фермер хўжаликларида жорий қилиниши асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш да юқори самарадорликка эришишга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. 30.04.1998. №598-І.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. 21.12.1995. №161-І.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида. 30.08.1996.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Фермер хўжалиги тўғрисида (янги таҳрирда). 26.08.2004.
6. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 5-сон “Асосий воситалар”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 09.10.2003 й. 114-сон буйруғи билан тасдиқланган, АВ томонидан 20.01.2004 й. 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Маҳсулот (ишлар хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. 05.02.1999 №54 (17.02.2010, №22. ВМ қарори таҳрири).
8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлигининг буйруғи. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида. 08.02.2011. №7-Б.
9. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида Низом. 21.01.2008.

II. Президент асарлари

10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

11.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

12.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи. 13.11.2010. №220 (5135).

13.Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.//Халқ сўзи. 22.01.2011. №16 (5183).

14.Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. //Халқ сўзи. 31 январ 2010. №18 (5024).

15. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir. //Халқ сўзи. 08.12.2010. №236 (5151).

III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

16.Аликулов А., Эшмурадов У. ва бошқалар. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби. –Самарқанд: 2010.

17.Абдуллаев Р. Бухгалтерский учёт и аудит. – Т.: Иқтисод молия, 2010.

18.Абдуллаев А., Айбешов Х. «Фермер хўжалиги иқтисоди». Ўқув кўлланма. Т.: 2008 йил.

19.Дўсмуратов Р.Д., Мамадияров Д.У. Бошқарув ҳисоби. – Т.: 2008.

20.Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш.- Т.: Истиклол, 2004.

21.Исмаилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. -Т.: Шарқ, 2005.

22.Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. – Т.: 2008.

23.Қудратов Т. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили. –Самарқанд: 2008.

IV. Журналлардаги мақолалар

24.Авазов Э. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ошириш йўллари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2011. №4. 37-38 б.

25.Воронин С. Финансирование механизации сельскохозяйственного производства. //Бозор, пул ва кредит. 2008, №3, 34-36 б.

26.Долиев Т. Модернизация қишлоқ хўжалиги таракқиётида муҳим омилдир. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2011. №4. 1 б.

27.Дехқонов М. Фермер хўжаликларида таннархни пасайтириш омиллари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010. №5. 30 б.

28.Дўсмуратов Р.Д. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби. //Бозор, пул ва кредит. 2008, №5, 30-32 б.

29.Жумаев И. Фермерга транспорт хизмати кўрсатишни такомиллаштириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2009, №8, 32 б.

30.Исмаилова С. Қишлоқ хўжалигида лизинг: эҳтиёж, талаб ва таклиф. //Бозор, пул ва кредит. 2008 №3, 31-33 б.

31.Ибрагимова Д. Реализация продукции дехканских и фермерских хозяйств. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2011. №4. 34 б.

32.Муқимов З. Фермер хўжаликларида хизмат кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти тизимини ривожлантириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2009, №6. 28 б.

33. Садритдинов А. Лизинг бозори: натижалар ва истиқбол. //Бозор, пул ва кредит. 2008, №5, 16-20 б.

34. Холмирзаев И. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010, №2, 26 б.

35. Эргашев А. Фермер хўжаликларида ресурслардан самарали фойдаланиш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2009, №7, 26 б.

V. Статистика ва ҳисобот маълумотлари

36. Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси 2008-2009-2010 йиллар ҳисобот маълумотлари.

37. Самарқанд вилоят Ургут тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2008-2009-2010 йиллар ҳисобот маълумотлари.

38. Самарқанд вилоят Ургут тумани «Шерхонбек-Аббосжон-Зоҳиджон» фермер хўжалиги 2008-2009-2010 йиллар ҳисобот маълумотлари.

VI. Интернет сайтлари

39. www.samqxi.uz

40. www.ziyonet.uz

41. www.lex.uz

42. www.gov.uz.

43. www.statistika.uz

44. www.agro.uz

45. www.dehqon.uz

46. www.finance.uz

47. www.google.co.uz

48. www.mf.uz

49. www.accounting web.com

50. www.buhgalteria.com.ua